# Ўзбекистонда илк бор ХВЖ ва Жаҳон банки томонидан ўтказилган Молиявий секторни баҳолаш дастури (FSAP) натижалари тўғрисида



# Молиявий секторни баҳолаш дастури (FSAP) ҳақида маълумот

## FSAP дастури

- Мамлакатлар молиявий барқарорлигини комплекс баҳолаш мақсадида **1999 йилда** жорий қилинган
- **ХВЖ** ва **Жаҳон банки** томонидан биргаликда ўтказиладиган **қўшма дастур**
- **157 та** мамлакат камида бир маротаба баҳолашдан ўтган
- **47 та** давлат ҳар **5** ёки **10 йилда** мажбурий баҳолашдан ўтади *(қолган мамлакатлар сўров асосида)*
- Ўзбекистон 2024-2025 йилларда **илк маротаба** баҳолашдан ўтди

## FSAP дастури асосида баҳолаш



**4 марта**



**3 марта**



**2 марта**

## Баҳолаш доирасида қамраб олинадиган умумий масалалар

- Макромолиявий барқарорликка таҳдид солувчи хатарлар
- Молиявий барқарорликни таъминлаш ва тизимли хатарларни бартараф этиш
- Институционал салоҳият ва молиявий инфратузилма
- Банк-молия секторидаги хатарлар ва уларни бошқариш
- Норматив-ҳуқуқий базанинг халқаро стандартларга мувофиқлиги
- Молиявий оммабоплик ва бошқалар

# FSAP доирасида баҳолашдан ўтишнинг аҳамияти

## Молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш

**Тизимли хатарлар** аниқланади ҳамда уларни камайтириш юзасидан тавсиялар берилади

Банк-молия тизимида **халқаро стандартлар** жорий қилиниши жадаллаштирилади

FSAP тавсиялари банк-молия тизими **келгуси ислоҳотлар режасини** ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади

## Халқаро ишонч ва инвестицион жозибадорликни ошириш

Мамлакат молиявий барқарорлигига оид очиқлик ва ҳисобдорлик таъминланиши натижасида халқаро ҳамжамиятнинг **ишончи ортади**

Дастур натижалари асосида ислоҳотлар банк-молия тизимининг инвестицион **жозибадорлигини оширади**

Халқаро капитал ва пул бозорларида қулайроқ шартларда **маблағ жалб қилиш** имкониятлари кенгаяди

# FSAP дастурига тайёргарлик доирасида банкларни тартибга солиш соҳасидаги ислоҳотлар (2019-2025 йй.)

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг*** *2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги* ***ПФ–5992-сон*** *Фармонига мувофиқ* ***FSAP дастури*** *доирасида баҳолаш ўтказилиши чораларини кўриш белгиланган.*

### Бозорга **кириш**

**“Банклар ва банк фаолияти** тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг **Марказий банки** тўғрисида”ги қонунлар, банкларни лицензиялашга оид ҳужжатлар

### **Назоратни** кучайтириш

**Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари:** корпоратив бошқарув, ички аудит, ташқи аудит, пруденциал нормативлар ва бошқа ҳужжатлар

### **Таъсир** чораларини кўриш

**Чора ва санкцияларни** қўллаш ҳамда **таваккалчиликка асосланган назоратни** жорий қилишга оид ҳужжатлар

### Бозордан **чиқиш**

Банкларни **санация қилиш** ва **тугатиш** ҳамда банклардаги **омонатлар ҳимоясини кафолатлашга** оид ҳужжатлар

# Молиявий секторни баҳолаш дастури доирасида баҳоланган йўналишлар

## Асосий баҳоланган йўналишлар

Банк-молия тизимининг **9 та йўналиши** қамраб олинди.

- Банкларни назорат қилиш ва тартибга солиш
- Муаммоли активлар билан ишлаш
- Инқирозларни бошқариш
- Макропруденциал сиёсат
- Тизимли хатарлар ва стресс-тестлаш
- Тўлов тизимлари

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI

- Давлатнинг молия секторидаги ўрни
- Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш

NAPP
NATIONAL AGENCY OF PERSPECTIVE PROJECTS

- Капитал ва суғурта бозорлари

## Базель қўмитаси тамойилларига мувофиқлик

**Ўзбекистонда** банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизими Базель қўмитасининг Самарали банк назорати бўйича **29 та асосий тамойилидан 4 тасига “мувофиқ”** ва **16 тасига “сезиларли мувофиқ”** деб баҳоланди.



# Банк-молия соҳасида амалга оширилган ижобий ислоҳотлар

**“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”**ги ва **“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”**ги *(2019 й.)* **янгидан қабул қилинган** қонунлар банк тизими **барқарорлигини мустаҳкамлаган**

**Омонатларни кафолатлаш** ҳамда **банкларни санация қилиш ва тугатишга** оид қонунларнинг қабул қилиниши **молиявий хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаган**

Банк тизимини 2020-2025 йй. ислоҳ қилиш стратегияси асосида **давлат банкларини хусусийлаштириш бошланган**

Банкларда **корпоратив бошқарув** ва **таваккалчиликларни бошқариш** тизими **такомиллаштирилган**

**Макропруденциал сиёсат воситалари**, тизимли хатарлар таҳлили ва стресс-тестлаш жорий қилинган

**“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”**ги Қонун *(2022 й.)* янги таҳрирда қабул қилиниши **муаммоли активлар билан ишлашга** қаратилган тадбирлар самарадорлигига ижобий таъсир қилган

**Валюта курси** ва **нархларнинг эркинлаштирилиши инвестицион муҳитни яхшилашга** хизмат қилган

**Таваккалчиликларга асосланган банк назорати** тизими **самарали жорий қилинган**

**Рақамли тўлов инфратузилмасининг** кенгайиши натижасида **молиявий хизматларнинг оммабоплиги оширилди**

**Аҳолининг молиявий саводхонлигини** ошириш чоралари **жадаллаштирилган**

# Банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштиришга оид FSAP тавсиялари

Марказий банк **мустақиллигини** янада мустаҳкамлаш

Марказий банк норматив ҳужжатларини **давлат рўйхатидан ўтказиш** жараёнини такомиллаштириш

**Банкларни санация қилиш** механизмларини тўлиқ жорий қилиш

Банкларда **активлар** таснифланишини **Базель стандарти** ва 9-сон МҲХСга мувофиқлаштириш

Банк гуруҳлари устидан **консолидациялашган назоратни** жорий қилиш

**Капитал буферларини** жорий қилиш

**Иқлим билан** боғлиқ **молиявий хатарларни** бошқариш тизимини жорий қилиш

Банкларда **Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини** тўлиқ жорий қилиш